

ФАНГА БАҒИШЛАНГАН УМР

Сандов ана шундай зарбдор
лардан бири. У бир неча йил
лардан бери металлургия за
водида меҳнат қилиб келмоқ
да. О. Сандов йиллик шах
сий тошйирингини бажариш
қолғуси йил ҳисобига ишла
япти.

В. Сироткин фотоси.

Бугун - совет милицияси куни

ОСОЙИШТАЛТИЖИЗ ПОСВОНЛАРИ

ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Совет милицияси бундан 59 йил муқаддам, яъни Совет ҳокимияти ўрнатилган давлатда В. И. Лениннинг таълими билан ташкил топган эди. Унинг асосий мақсади — давлат ва халқ мулкини қўзғовчиликдан қўқсатиш, Совет қонунчилигини муҳофаза этиш, меҳнаткашларнинг маданий дам олишини қўқсатишдан иборатдир. Ушбу даврлар ичида Совет милицияси ўз олдига қўйилган муҳим, аҳоли шарофли вазифаларини жанговарлик билан бажариб, партия ва халқимизнинг катта ҳурмати ва эътиборини қозонди.

Жамиятимиз тезкорлик билан тараққий этмоқда. Фан-техника, илм-маданият, кишиларимизнинг фикр доираси кенаяётган. Шунинг учун ҳам партияимиз милиция хизматини олдинга янги вазифалар қўймоқда.

Коммунистлик жамият кураши фронтини — бу энг аввало янги авлоднинг коммунист руҳда тарбияланиши билан боғлиқ. Тарбия фронтининг жангчилари бўлиш ички ишлар органларининг хизматлари партия ва совет ташкилотлари раҳбарлигини дахл ва давлат боғлигини ҳурматлаш, меҳнат ва оқилоланиш эътилози йўлида тарбиянинг янги шакли ва формаларини ишлаб чиқмоқдалар. Жумладан областимиз ички ишлар органлари хизматлари 1976 йилда жамоат тартиби ва социалистик қонунчилигини муҳофазада аниқгина ишларини қилдилар.

Совет Иттифоқи Коммунист партияси Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг қўрсатмасига асосан областимиздаги қорхона, қолхоз ва совхозларда 54 жойда жамоат тартибни таъминлаш бўлими ташкил қилинди. Бу таянч пунктнинг ишида 24 мингга яқин халқ кўнгилли дружинчилари фаол иштирок этмоқдалар.

Натижада 88 аҳоли пунктларида, 86 қолхоз ва совхозларда ҳамда қўшма йирик қорхоналарда бирорта ҳам жиноят содир бўлмади. Эки бу таянч пунктларини ташкил қилиш билан биз турли жойлардаги турли хил жиноятларни олдинчи олиш имкониятини яратдик. Бу борада Юқсори Чирчиқ районидagi «Политотдел» қолхозда ташкил этилган таянч пунктнинг ишиди қатъи сазовордир. Шунинг учун ҳам бу пунктга «Намунали таянч пункт» деган ном берилди. Ушбу таянч пунктда ҳамма иш шу участканинг участка инспектори, милиция капитани Носировнинг актив иштирокида аниқ план асосида бажариб борилади.

Сўнгги йил ичида шу қолхозда майда безорилик қилиб тартиб бузганлар кескин қамалганилиги, ичкиликбозлик эса умуман барҳам топанганилиги милиция хизматлари дружинчилари билан бирга ишлаб-тироқларидан даволат беради.

Бундай таянч пунктлари ҳақида қўлаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, Бўстонлиқ район ички ишлар бўлими хизматлари кўнгилли халқ дружинчилари ёрдамида безориликка қарши кураш ишларини намунали ташкил қилганлар. Худди шунга ўхшаш мисолни Урта Чирчиқ районидa ҳам кўриш мумкин. Бу район ички ишлар бўлими қолхозда 83 та дружинчилар группаси ташкил қилинган бўлиб, 1073 нафар коммунист, комсомол ва меҳнат илгорлари унга жалб қилинган.

Милиция хизматларининг бугунги байрами кунинда ички ишлар бўлимига фаол ёрдам қўрсатаётган кўнгилли дружинчилардан Чирчиқ шаҳридаги «Узбекистон» заводининг мастери Александр Храпов, шу завод ишчиси Игорь Бондаренко, Бекобод металлургия заводининг ишчиси А. Йўлдошев, И. Газизов, Анграғиди «Узбекхотострой» 6-қурилиш бошқармасининг

ишчиси Дмитрий Андреевич Зазулин ва бошқа кўп сонли кўмакдошларимизни чин кўнгилдан қутлаймиз.

Таянч пунктларида ҳамма вақт иш қизғин. Бу ерда СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари, меҳнат қаҳрамонлари, хуллас давримизнинг обрў-эътиборли кишилари билан учрашувлар бўлади. Совет қонунчилигига оид савол-жавоб кечалари ўтказилади.

Областимиз меҳнаткашларининг оқилоланишини сақлашда давлат автономияси ҳам муҳим роль ўйнайди. Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда қўлаб автомобил ишлаб чиқарилиши магистраль йўлларда транспорт қатновини ошириб юборди. Бу эса автотранспорт ҳаётичи билан ва граждaнлари кўча ҳаракати қандашга қатъи рива қилишларини талаб этмоқда.

Автомобиль йўлларидаги ҳаёт тартибни назорат қилиш ишлари областимизда бир мунча яхшиланди. Чунинки Тошкент — Термиз йўлининг 24 километрнида, Тошкент — Қўқон трассасининг 15 километрнида, Қалнинин районидagi Назарбек посёкисидa, Тошкент — Олмалик трассасининг 53 километрнида ва Тошкент — Қўқон йўлининг 143 километрнида давлат автомобил инспекцияси таянч пунктлари қурди. Бу таянч пунктларда жамоат тартиб таъминлаш инспекцияси ишларига яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар. Улар йўл назоратчилиги билан биргaликда йўл ҳаракати қондаларини бузувчиларни, айниқса автотранспортнинг маст ҳолда бошқарувчиларни аниқлашда ҳамкорлик қилмоқдалар. Эки бу таянч пунктларда наватчилик қилаётганлар қўнгилли автомобил хизматларининг олдинчи олишга ёрдам бермоқдалар.

Биз бундай таянч пунктларини Чиноз районидa, Бекобод ва Анграғи шаҳарларида ҳам қуришни мўлжаллаб қўйдик.

Биз шунинг мамнуият билан тилга оламизки, партия ва ҳукуматимиз Совет милицияси хизматларининг муносиб тақдирламоқда. Жумладан областимиз милиция хизматларидан 56 киши ҳукуматимизнинг ордени, медаллари билан тақдирланганлиги бизни қувонтиради. Чирчиқ шаҳри ички ишлар бўлимининг хизматлари, милиция катта лейтенанти Жуман Сариев, Оққўрғон район ички ишлар бўлимининг хизматлари, милиция лейтенанти Крилов, Охангарон район ички ишлар бўлимининг хизматлари, милиция катта сержанти Пистунов, Қўйи Чирчиқ район ички ишлар бўлими хизматлари, милиция лейтенанти Юсупов, Жоникювлар шўулар жумласидандир. 607 хизматимизнинг кўсини «Милиция аълочилиги» деган нишон беэаб тўрчида.

Милиция хизматлари ўз билан савияларини ҳам тинмай оширмоқдалар. Бунинг учун ҳамма имкониятлар яратилган. Шу сабабли ишлаб турган хизматлар орасида сиртдан ўқиб олий маълумоти дипломни олаётганлар сон кўпайиб бормоқда.

Ҳамма шаҳар ва район ички ишлар бўлимидаги сиёсий ва жанговар таёргарлик ўқишлари доимо катъий градиқ асосида олиб боришмоқда. Сиёсий ўқишларга олий маълумоти, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган пропагандалар раҳбарлик қилмоқда.

Сўнгги йилларда шаҳар ва район ички ишлар бўлимида йўл қўлаб янги бинолар қурилади. Жумладан Оққўрғон район ички ишлар бўлими учун қурилган бинода бу йил сиёсий-тарбиявий ишлар бўлими метод кабинети ташкил этилди. Ҳозир бу кабинет иш билан республикамизнинг бошқа областларидаги ҳамкасбларимиз танишмоқдалар.



Тошкент район ички ишлар бўлими хизматлари социалистик қонунчилигини муҳофазада намунали хизмат қилмоқдалар. Суратда: [чапдан ўнга] ОБХСС бошлиғи Зокир Ҳайдаров, район ички ишлар бўлими бошлиғининг оператив ишлар бўлими раҳбари Турсунбой Маҳмадқонов, район ички ишлар бўлимининг бошлиғи Тоҳир Маҳмамов, жиний қидирув бўлимининг хизматлари Хожиқабар Аҳмедовлар.

Ж. Тўраев фотоси.

ШАРАФЛИ БУРЧ

СОВЕТ милицияси кунини районимиз оқилоланиш посвонлари ўз постларида хушёр туриб қўлиб олмақдалар. Кейинги йилларда район ички ишлар комитети ички ишлар бўлими ва унинг хизматлари иш тубдан яхшиланди. Бўлим коллектив сафига маҳаллий партия, совет ва комсомол ташкилотларининг йўлланмалари билан ўқинишчи ёшлар қўлаб қўшилди, улар бугунги кунда ўзларининг вазифаларини сўзидан адо этмоқдалар. О. Мамазов, Н. Орифжонов сингари коммунистлар ва комсомол-ёшлардан Ф. Илём, М. Мирзаев, Р. Эрматов, А. Шарипов ва бошқалар ўз бурчларини адо этишда бошқаларга ўрнак қўрсатмоқдалар. Районда безориликка қарши, жиноятнинг олдини олиш ва оқолаштиришга доир бир қанча профилактика ишлар амалга оширилди.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Давлат ва жамоат мулкини майда ҳажмда талон-тароқ қилганлиги учун жавогарлигини қулайтириш» ҳақидаги 1970 йил 24 сентябрь Фармонидан сўнг бизнинг ички ишлар бўлимида ҳам шу қарорга асосан талайгина ишлар қилинди. Шунингдек, давлат ва жамоат мулкининг талон-тароқ қилинишининг олдини олишга доир бўлган бир неча суҳбат ва лекциялар ўтказилди.

Милиция хизматлари ичкиликбозлик ва алкоғолизмга қарши курашини қулайтириш борасида ҳам аниқгина тадбирларни амалга оширди.

Айни кунларда ҳам ички ишлар бўлимининг хизматлари жиноятчиликка, безориликка, ичкиликбозликка, халқ мулкининг талон-тароқ қилинишига қарши курашда жамоатчилик ва халқ

Т. ҚОЗҚОБОВ, Фрунзе район ички ишлар бўлими хизматлари, милиция сержанти.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ХАТОГА УРИНИЎК

(ОЧЕРК)

НИКОЛАИ Александрович Политов ҳайрон бўлиб қолди. Тошкентда командировкада юрган раффаси унинг бошини қотириб қўйган эди. У 300 сўм юборинг, деб телеграмма берибди. Унинг пули борлигини Политов жуда яхши биларди. Унга яна шунча маблағ нима учун керак бўлиб қолди? Наҳотки, Юборингга тўғри келди. Икки кундан сўнг эса у яна телеграмма олди. Тамара нидинга жўнашини хабар қилган эди. «Ленин бир соатдан сўнг телефон жинриглаб қолди: «Салом, Коля. Бу мен. Виласани, почтадан юборган пулиниги ололмайсиз, нимаидир чалкаштириб юборганга ўхшайсан. Яна уч юз сўм юбор — ҳолодильник ва тўлайман...»

Хотини бунинг, Николай назарида, ўзгача товуш билан гапирарди. Наҳотки бланкани тўлдиратганда чалкаштириб юборган бўлса? Холодильник нима? Битта холодильник бор-ку. Иккинчисини бошига урадим? Телеграмма, телеграмда ғалати сўзлашув, энг муҳими ўзгача товуш — буларнинг ҳаммаси гапри табиий эди...

Айни шу маҳалда Тошкентда Дикарев деган одам ҳам қатор саводлар устида ўйлаб, ўйига етолмас эди. У Красодарь ўлкасида яшовчи қайнота-қайнонаси билан сирли хат олди. Улар қандайдир ёнги бўлганлигини, Дикаревларнинг уйи ёнги кул бўлганлигини ташвишланиб хабар қилган эдилар. Улар қиларига «Хазирча» 300 сўм пул юборишларини, энг муҳим нар-



Оққўрғон район давлат авто мобил инспекциясининг хизматлари бу йил техника хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қатор тадбирлар ўтказдилар. Автохўжалиқлар, қорхона ва ташкилотларда ташкил этилган кўрилар тўғрисида хизматлари аниқ қамайди. Суратда: ГАИ хизматлари Уроқул Эшқулов хизмат постидa. Х. Аввалов фотоси.

Маҳорат сирлари экранда

Тошкент тўқимачилик комбинати ёш йигирувчи хотин қизларининг биринчи иш кунини эсга олаётганлиги. Улар бу ерда Жамолидин Ақромов раҳбарлик қилаётган тўқимачилар «маданият саройи» халқ киностудиясининг аълолари суратга олган ўқув фильмининг томоша қилдилар.

Комбинатнинг энг яхши ишчи хотин-қизлари ўз маҳоратларининг сирларини экран орқали ўртоқлашдилар. Фильмнинг «бош қаҳрамонлари» — тажрибали йигирувчиларнинг қўллари дид. Уларнинг қўллари

ДАЪВОЛАРЛАР

БАҲСИ

Келаси йил футбол чемпионатининг биринчи лигасида қатнашишга даъвогарлик қилаётган олти команда ўртасида жаваб уйинлари бўлиб ўтди. Республикаимиз вакили «Мелисатор» футболчилари Ленинградда маҳаллий «Динамо» билан беллашиб, 2:3 ҳисобида енгилди. Бу ғалаба Ленинград футболчиларига биринчи лигага йўлларни берди. «Уральмаш» футболчилари ҳам келаси мавсум биринчи лигада қатнашишди. Улар Ленинграднинг «Гурья» командаси билан бўлган биринчи учрашувини 0:0 ҳисобида тугатиб, иккинчисида 2:0 ҳисобида ғалаба қилишди. Учинчи йўллама эгаси эса «Крибас» [Криовий Рог] ва «Машин» [Пятгорск] командалари ўртасида 11-ноябрда ҳолис майдонда ўтказилган ўйинда аниқланди.